ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00941

ЎЗБЕК-ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ҲАРБИЙ СОҲАГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Сунбула Савранбековна Менглиева
Ўзбекистон Республикаси Жамоат Хавфсизлиги Университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳарбий касбга оид тил соҳасини алоҳида кичик система сифатида ўрганиш зарурлиги асосланган, шу билан бирга, унинг лексик таркиби ва умумий тизимини тавсифлашнинг лингвистик хусусиятларига боғлиқ масалалар муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: тил, ривожланиш, ҳарбий терминология, соҳа, ҳарбий атамалар, тилнинг ривожланиши.

USE OF MILITARY TERMS IN UZBEK-ENGLISH

ABSTRACT

The article is based on the need to study the field of the military language as a separate subsystem, but also discusses issues related to the lexical features of its lexical structure and description of the general system.

Keywords: language, development, military terminology, field, military terms, language development.

КИРИШ

Илм, фан ва техника тараққиёти ҳозирги кунда жадаллик билан ривожланиб борар экан, жамиики инсонларни турли соҳалардан хабардор бўлишга ундабгина қолмай, тилшуносликнинг лексик қатламини бойитади, шунингдек, нутқда қўлланилаётган қатор лисоний бирликларни жамлаб тобора кенгайтиради, кундалик ҳаётга ҳамоҳанг бўлишини талаб этади.

Тилшуносликнинг энг долзарб, мураккаб, назарий ва амалий аҳамиятга эга йўналишларидан бўлган терминологиянинг ривожланиши, шаклланиши, албатта, ўзига хос қонуниятлар асосида пайдо бўлади, умумхалқ тилининг лексикаси негизида ривожланади ҳамда бойиши учун хизмат қилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00941

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛГИЯ

Жаҳон тилшунослигида соҳа терминологиясида касбга оид тил бирликлари тушунчаси билан боғлиқ лексик-семантик хусусиятларни аниқлашга қаратилган бир қатор муаммолар илмий тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Бугунги кунга келиб, касбий соҳа тилини ўрганиш янги босқичга кўтарилди. Бироқ, касбий соҳага оид тил бирликларини мавзу бўйича ёки бошқа кичик гуруҳлар асосида таснифлаш тамойилларини ҳамда уларга хос алоҳида тизимлараро муносабат турларини аниқлаш, шунингдек, ушбу тил бирликларининг ўзига хос функционал хусусиятларини белгилашга доир масалалар ҳануз ўз ечимини кутмоқда. Шу нуқтаи назардан, ушбу соҳада

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон тилшунослари зиммасига касбга оид тил бирликларини ўрганиш ва соҳа атамаларини тизимлаштириш, шунингдек, махсус соҳа луғатларини тузиш бўйича бир қатор вазифалар юклатилди. Ҳарбий терминология мамлакатимизда эндигина шаклланиш ва ривожланиш босқичига қадам қўяётган бугунги кунда инглиз, рус ва бошқа тиллар ҳарбий терминологиясини ўрганишга бўлган эътибор янада кучаймоқда.

Инглиз тилида ҳарбий касбга оид тил бирликлари муаммоси ўзига хос мураккаб ва кўп қиррали муаммолардан бири саналади. Ушбу муаммо умумий тилшунослик масалаларининг турли жиҳатлари билан боғлиқ, яъни, тилнинг тузилиши, тил сатҳлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, функционал ҳаракатчанлик, адабий норманинг ўзига хослиги ва ўзгарувчанлиги, адабий тил нормаси ва ҳарбий сўзлашув тилининг бир- бирига мувофиқлиги ва ўзаро муносабати, уларга хос лексик бирликлар эволюцияси ҳамда унинг лингвистик нуқтаи назардан истиқболи кабилар шулар жумласидандир.

Ҳарбий касбга оид тил соҳасининг функционал хусусиятлари, худди ундаги систем муносабатлар сингари, турли хил лисоний кўрсаткичлар воситасида юзага келади. Тил бирликларининг бундай хусусиятлари, аввалambор, ҲКТдаги вариантланиш, полисемия, омонимия, синонимия ва антономия ҳодисалари, терминологиядаги семантик майдонларни тизимлаштириш, терминологик бирикмалар компонентларининг деривацион фаоллиги, ҳарбий лексик бирликлар ўртасидаги стилистик ва функционал тафоввут, уларнинг ҳудудий боғлиқлиги, шунингдек, ушбу бирликларнинг парадигматик ва синтагматик тавсифи каби кўрсаткичларда намоён бўлади.

Инглиз тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири маълум бир отнинг бошқа бир отга нисбатан препозитив ҳолатда аниқловчи сифатида қўлланилиш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00941

имкониятига эга эканлигида намоён бўлади. Бундай имконият ҳарбий соҳадаги сўз бирикмаларини ясашда ҳам кенг қўлланилган.

Инглиз тилида ҳарбий номенклатура белгилари семантик нуқтаи назардан қуйидаги турдаги номларни ўз ичига олади:

а) қурол турлари: M 79 Grenade Launcher – M 79 гранатомет; M 203 Launcher mounted on M 16 Rifle – M 163 милтиғига ўрнатилган M 203 яширин граната отиш мосламаси; M 9 Beretta Pistol – M 9 «Беретта» тўппончаси;

б) ҳарбий техника турлари: CH-47 – CH-47 «Чинук» ҳаво-десант вертолёти; brain(сўзлаш.) “мия”, бошқарув тизими; ўзи мўлжалга олувчи (ракета) мослама бош қисми; blitzbuggy(сўзлаш.) «блиц-аравача», ¼ - т умумий фойдаланиш машинаси, жип, танк; Bees(сўзлаш.) «асаларилар», денгиз десант муҳандислик-қурилиш қўшинлари; beetle (сўзлаш.) «қўнғиз», сузувчи конвеер.

Ҳарбий номенклатура белгилари структур нуқтаи назардан эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) содда сўзлар: Fox; Avenger; Patriot; Titan; Bradley Dragon; Javelin; Phalanx; Standard;

б) номловчи атамани ўз ичига олмайдиган қўшма отлар: F-15A Eagle –F-15A«Бургут» қирувчи-самолёт; 92th Water Buffalo – 92чи «Сув буфалоси» пиёда бўлинмаси; 38th Cyclone –«Сайклоун» [Циклон] бўлинмаси; 37 th Buckeye – «Бакай» бўлинмаси [Америка каштани], 37 - пиёда бўлинмаси;

в) қисқартмалар: TERCOM –terrain contour matching – ТЕРКОМ ҳудудга кўра корреляцион йўл-йўриқ тизими; маҳаллий рельеф контури бўйлаб мўлжални тўғрилаш тизими; ТЕРКОМ ерни кузатиш системаси; THAAD – Theater High Altitude Area Defense – ТХААД ракеталарга қарши мудофаа тизими;

г) умумий атамани ўзида акс эттирадиган ва иккинчи турдаги номенклатур белгилар сифатида хизмат қиладиган номинатив бирикмалар; улар жанговор қурол намуналари ва ҳарбий техника турларини ифодалайди: Harpoon missile – «Гарпун» кемага қарши ракета; Tomahawk cruise missile – «Томахок» [Томагавк] қанотли ракета; ASROK ballistic rocket – «АСРОК» торпеданинг баллистик ракетаси.

Ҳарбий касбга доир бирликларнинг семантик майдонини тавсифлаш ҳарбий соҳа бирликлари мажмуасини онтологик нуқтаи назардан ўрганишга нисбатан қўлланилади, бу эса алоҳида отларни маълум бир тизимости гуруҳларга бириктириш имконини беради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00941

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Умуман олганда, ҳарбий объектни атоқли отлар воситасида ифодалаш жараёнида ҳарбий касбга доир тил бирликларининг қуйидаги кичик синфларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

− сув усти ва сув ости кемалари: Enterprise – submarine nuclear propulsion («Enterprise» ядровий сув ости кемаси); Thomas Jefferson – missile- launching submarine «Thomas Jefferson» («Thomas Jefferson» ракета сув ости кемаси);

− космик учар кемалар: Injun – spaceship (космик кема). Шуни таъкидлаш керакки, «Injun» радиацион муҳитни ўрганиш учун яратилган бир қатор илмий сунъий йўлдошлар номини англатади. (Сўзма-сўз таржимаси: "ҳинду");

− ер ости ядровий портлашлар : Neptun, Danny Boy;

− ўқув марказлари: Army Misslle Development Center, Armored School, the Armored Center, Fort Knox, Kentucky, Camp Century;

− машқлар ва манёврлар: Desert Strike, Miki, West Wind ва бошқалар.

Бундай тизимлаштириш келгусида уларни янада кўплаб мавзули синфларга ажратишга ёрдам беради.

ҲТСнинг семантик майдонини ўрганишга бундай ёндашув, аввалambор, КБларнинг структур хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Шундай қилиб, КТБ учун икки, уч компонентли атоқли отларнинг қўлланилиши ўзига хос аҳамият касб этади. Масалан, Bedfordshire and Hertfordshire Reglment, Jork and Lancaster Regiment; King´s Devision; Lovat Scouts; Queen Elizabeth´s Own Gurkha Rifles ва бошқалар. Улар ўз таркибида умумий ҳарбий атамани ифодалаши билан ажралиб туради.

«English-Russian Military Dictionary» луғати ҳарбий атамалар ва терминологик бирикмаларнинг сўзлар уяси тартибида берилиши билан ажралиб туради20. Шунингдек, унда маълум бир ҳарбий атамалар ҳақида ихчам ва тушунарли тарзда батафсил маълумотлар бериб ўтилган. Баъзи сўз уяларининг кўлами анча кенг, чунки улар ҳарбий луғатнинг катта қисмини ўз ичига олади. Масалан, bomb компонентли ҳарбий атамалар 65 хил сўз уясини ҳосил қилиши кўринади.

Таққосланг: bomb – бомба (авиациядаги); қўл гранатаси; (миномет) мина; бомбаларни ташлаш, бомбардимон қилиш (ҳаводан)/ (қўл) гранаталарни улоқтириш; минамёт билан ўққа тутиш; бомбага оид ва ҳоказо.

Ҳарбий терминология ўзига хос структур ва лексик-семантик хусусиятлар билан тавсифланади. Инглиз тилида ҳарбий терминология системаси муайян структур моделларнинг устунлиги билан ажралиб туради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00941

Таҳлил қилинган материаллардан қўриниб турибдики, инглиз ҳарбий профессионализмлари от, сифат, феъл, шунингдек, равишдош сўз туркумларида ифодаланади. Миқдор жиҳатдан ҳарбий атамалар, асосан, от ва феъл сўз туркумига хос сўзлар билан ифодаланади. Фоиз жиҳатидан субстантив атама ва сўз бирикмалар 70%ни, феълли атама ва сўз бирикмалар 20%ни, қолганини эса адъектив ва адъвербал атама ва сўз бирикмалар ташкил этади. Шунингдек, ҳарбий лексиканинг махсус луғатлари бўғинли аббревиациялардан иборат кўплаб қисқартмаларни ҳам ўз ичига олади.

ХУЛОСА

Ҳарбий касбга оид тил бирликларининг лингвистик моҳияти адабий тилнинг махсус соҳа тиллари ҳамда касбий диалектлар ва турли хил социолектлар билан ўзаро боғлиқлиги сабабли ўта мураккаб муаммо сифатида назарий жиҳатдан қизиқиш уйғотади. Тилни ижтимоий ва ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ ҳолда синчковлик билан ўрганиш маълум турдаги тил соҳалари, шу жумладан, ҳарбий соҳанинг ҳам социолингвистик хусусиятини аниқлашда муҳимдир.

REFERENCES

1. Бойко М.Г. Структурно-семантические особенности формирования бронетанковой терминологии в английском языке: – Омск: ОГУ, 2011. – 24 с.
2. Аксенов А.Т. К вопросу о взаимодействии между английской военной терминологией и общенародной лексикой. М., 2013. - 153 с.
3. Дуброва Ю.Ю. Структурно-содержательная специфика многокомпонентных терминов (на материале военных документов): -М., 2015. –С.65
4. Ahmedov G‘., Bektemirov H. Ruscha-o‘zbekcha harbiy atamalar lug‘ati.–T.: Adolat, 2012.
5. Hojiyev A. Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati. –T.:O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2014. –B.154.